



ijtimoiy-iqtisodiy gazeta

O'zbekiston bunyodkori

Строитель Узбекистана

№53 (1006)

2026 йил 21 июль, сешанба

Газета 2016 йил 25 июлда
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида
0874-рақам билан рўйхатга олинган.



Ягона Ватан,
ягона халқ
бўлиб,
янги ҳаёт
ва келажак
яратамиз!

Янги зиё маскани фойдаланишга топширилди

▼ Жиззах вилоятининг Зомин туманида
барпо этилган "Шохрух кутубхонаси".



Жиззах вилоятининг Зомин туманида китобхонлик муҳитини янада мустаҳкамлашга хизмат қиладиган йирик маънавий-маърифий маскан – “Шохрух кутубхонаси” фойдаланишга топширилди.

Замонавий талаблар асосида барпо этилган ушбу кутубхона бир вақтнинг ўзida 100 нафардан зиёд китобхонга хизмат кўрсатиш имкониятига эга бўлиб, унинг фондида 50 мингдан ортиқ бадиий асар ва илмий қўлланма жамланган. Кутубхона очилиши муносабати билан ўтказилган тантанали тадбирда мамлакатимиз сиёсат, илм-фан, адабиёт ва санъат намояндалари, вилоят фаоллари, зиёлилар ҳамда кенг китобхонлар жамоатчилиги иштирок этди. Тадбирни



“Ишонч” ва “Ишонч – Доверие” газеталари бош муҳаррири Хусан Эрматов олиб борди. Анжуманда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси раиси Қудратилла Рафиқов, Ўзбекистон Фанлар академияси президенти, Ўзбекистон Қаҳрамони Шавкат Аюпов, “Нуроний” жамғармаси раиси, Ўзбекистон Қаҳрамони Содикжон Турдиев, Жиззах вилояти ҳокими Улуғбек Мустафоев, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси директори

Умида Тешабоева, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, ёзувчи Хуршид Дўстмуҳаммад, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси Ўзбекистон халқ шоири Сирожиiddин Саййид ҳамда бошқа жамоат арбоблари сўзга чиқиб, китобхонлик маданиятини юксалтириш, аҳолининг интеллектуал салоҳиятини ошириш ва ёшларни мутолаага кенг жалб этиш борасида амалга оширилаётган ишлар хусусида фикр билдиришди.

Таъкидланганидек, кейинги йилларда мамлакатимизда китобхонликни оммалаштириш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Бу борада Президентимизнинг 2026 йил 15 январдаги “Китобхонлик маданиятини ривожлантириш ва аҳоли ўртасида китоб ўқишга қизиқишни ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори соҳада янги босқични бошлаб берди.

3



▼ Қарши шаҳридаги “Янги Ўзбекистон” массиви.

Замонавий турар жой мажмуаси барпо этилди

Қарши шаҳридаги “Янги Ўзбекистон” массивида “Yuksalish Group” компанияси томонидан барпо этилган замонавий кўп қаватли турар-жой мажмуаси фойдаланишга топширилди.

Тантанали очилиш маросимида Қашқадарё вилояти ҳокими Муротжон Азимов, мутасадди раҳбарлар, қурилиш компанияси вакиллари ҳамда жамоатчилик иштирок этди. Тадбир давомида меҳмонлар хонадонларда аҳоли учун яратилган замонавий шарт-шароитлар билан танишди. Вилоят ҳокими сўзга чиқиб, янги хонадон соҳибларини кутлар экан, аҳолининг муносиб уй-жой билан таъминланиши мамлакатимизда



амалга оширилаётган бунёдкорлик ишларининг устувор йўналишларидан бири эканини таъкидлади. Шунингдек, қурилиш ишларини сифатли амалга оширгани учун “Yuksalish Group” компанияси раҳбари Қашқадарё вилояти ҳокимлигининг Фахрий ёрлиғи билан тақдирланди. Маълум қилинишича, мазкур лойиҳа қурилишига бир йил аввал даст беришга бўлиб, ҳозирга қадар 702 та хонадонга мўлжалланган 7 та кўп қаватли уй тўлиқ барпо этилди. Шу тариқа

янги турар-жой мажмуасидаги дастлабки хонадонлар ўз эгаларига топширилди, деб хабар қилади ЎЗА мухбири Улмас Баротов. Таъкидланганидек, “Янги Ўзбекистон” массивида амалга оширилаётган бундай лойиҳалар аҳолининг уй-жойга бўлган эҳтиёжини қондириш, замонавий шаҳарсозлик муҳитини шакллантириш ҳамда ҳудудларнинг инфраструктурасини янада ривожлантиришга хизмат қилмоқда.

Ноқонуний қурилишлар учун жавобгарлик кучайтирилмоқда

▼ Янги лойиҳа муҳокама жараёнида.



Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон Экологик партияси фракциясининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда шаҳарсозлик соҳасига оид ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарликни кучайтириш ва урбанизация жараёнларининг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлашга қаратилган лойиҳа қизғин муҳокама қилинди.

Таъкидланганидек, мамлакатимизда шаҳарсозлик соҳаси жадал ривожланиб, қурилиш жараёнларининг шаффофлигини таъминлаш, ноқонуний қурилишларнинг олдини олиш борасида қатор ишлар амалга оширилмоқда. Шу билан бирга, ноқонуний қурилишларнинг олдини олиш, лойиҳа ҳужжатларидан четга чиқиш ва урбанизация тамойилларига амал қилмаслик ҳолатларига йўл қўймаслик, қурилиш-монтаж ишларида белгиланган тар-

тибларга риоя этилишини таъминлашнинг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштириш долзарб бўлмоқда.

Шу мақсадда мазкур қонун лойиҳаси билан Шаҳарсозлик кодекси ва “Лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари тўғрисида”ги қонунга қатор ўзгартириш ва қўшимчалар киритилмоқда.

Унга қўра, соҳада Урбанизация ва уй-жой бозорини барқарор ривожлантириш миллий кўмитасининг шаҳарларни комплекс ривожлантириш, қулай, хавфсиз ва уйғун шаҳар муҳитини шакллантириш соҳасидаги ваколатлари аниқ белгилаб қўйилмоқда.

Шаҳарсозлик талабларини қўпол равишда бузганлик, яъни ноқонуний қурилишларни амалга ошириш, шунингдек, қурилиш-монтаж ишларини бош режа, мастер-режа ва қурилиш лойиҳаси талабларини бузган ҳолда амалга оширганлик учун жавобгарлик чоралари кучайтирилмоқда, деб хабар қилади ЎЗА мухбири Мухтарам Комилова.

Муҳокамалар давомида ушбу қонун лойиҳаси шаҳарсозлик соҳасида қонун устуворлигини таъминлашда муҳим ўрин тутуши таъкидланиб, фракция аъзолари томонидан қўллаб-қувватланди.



uzbunyodkor.uz



info@uzbunyodkor.uz



uzbunyodkor



t.me/uzbunyodkor



uzbunyodkor



qurilish.today



▼ Хайъат йиғилиши жараёнидан лавҳалар.

Биринчи ярим йиллик якунлари муҳокама қилинди

Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекциясида Инспекция раҳбари раислигида 2026 йилнинг биринчи ярим йиллиги якунларига бағишланган кенгайтирилган Хайъат йиғилиши бўлиб ўтди.

Унда қурилиш, уй-жой коммунал хўжалиги, ичимлик суви таъминоти ҳамда оқова сув хизматлари соҳаларида амалга оширилган давлат назорати натижалари ҳар томонлама таҳлил қилиниб, тизимда мавжуд муаммо ва камчиликлар танқидий муҳокама қилинди. Шунингдек, Инспекция фаолияти самарадорлигини ошириш, ижро интизомини мустақамлаш ва ҳудудий инспекциялар масъулиятини янада кучайтиришга қаратилган устувор вазифалар белгилаб олинди.

Йиғилишда қайд этилганидек, жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида ҳудудий назорат инспекциялари томонидан 27 677 та қурилиш объекти давлат назоратига олиниб, уларда 195 108 марта назорат-мониторинг тадбирлари ўтказилди. Аниқланган қонунбузилишларни бартараф этиш мақсадида 129 мингта яқин мажбурий ёзма кўрсатма берилди. Белгиланган муддатларда кўрсатмалар ижроси таъминланмаган ҳолатлар бўйича 2 мингдан ортиқ маъмурий баённома расмийлаштирилди. Шу билан бирга, қурилиш нормалари бузилиши билан боғлиқ 1 813 та қоидабузарлик буздирish ишлари орқали бартараф этилди.

Бутлардан ташқари, кўп квартирали уй-жой фонди техник ҳолатини ўрганиш доирасида 14 980 та уй кўздан кечирилиб, қарийб 6 мингта қонунбузилиш ҳолати аниқланди ҳамда уларни бартараф этиш бўйича тегишли чоралар қўрилди. Ичимлик суви ва оқова сув тармоқларидан қонуний фойдаланилишини таъминлаш юзасидан амалга оширилган назорат тадбирлари давомида 3 178 та ноқонуний улаиш ҳолати фoш этилди. Шундан, 2 505 таси ичимлик суви, 366 таси оқова сув тармоқларига ноқонуний улаишлар бўлса, 307 та ҳолатда сув ҳисоблагичлари тамгалари бузилгани аниқланди.



Бунинг натижасида сув таъминоти ташкилотлари фойдасига 19,8 миллиард сўм миқдориди қўшимча тўловлар ҳисобланди.

Хайъат йиғилишида айрим ҳудудий инспекцияларда давлат назоратини ташкил этиш, мурожаатлар билан ишлаш, қурилиш иштирокчилари фаолияти устидан таъсирчан назорат ўрнатиш ҳамда коммунал хизматлар соҳасида қонунчилик талаблари ижросини таъминлаш борасида жиддий камчиликларга йўл қўйилгани кескин танқид қилинди. Хусусан, хизмат вазифаларини лозим даражада бажармагани ҳамда назорат ишларини талаб даражасида ташкил этмагани учун Андижон вилояти ҳудудий назорат қилиш инспекцияси бошлиғи эғаллаб турган лавозимидан озод этилди. Шунингдек, фаолиятида жиддий камчиликларга йўл қўйган бир қатор ҳудудий инспекциялар бошлиқлари ҳамда уларнинг ўринбосарларига нисбатан интизомий таъсир чоралари қўлланилди.

Йиғилиш якунида давлат назорати самарадорлигини янада ошириш, қурилиш объекларида қонунбузилишларни барвақт аниқлаш ва бартараф этиш, кўп квартирали уй-жой фонди техник ҳолати устидан таъсирчан назоратни таъминлаш, ичимлик суви ва оқова сув тармоқларидан қонуний фойдаланишнинг таъминлаш, рақамли назорат механизмларини кенг жорий этиш ҳамда масъул ташкилотлар ўртасидаги ҳамкорликни мустақамлаш бўйича Хайъатнинг тегишли қарори қабул қилинди.

Хайъат қарорига мувофиқ, барча ҳудудий инспекциялар раҳбарларига белгиланган вазифалар ижросини сўзсиз таъминлаш, назорат тадбирлари натижадорлигини ошириш ва ҳар бир йўналиш бўйича шахсий масъулиятни кучайтириш юзасидан аниқ топшириқлар берилди.


Ўз мухбиримиз.



► Хоразм вилоятида журналистлар учун матбуот анжумани ва пресс-тур ташкил этилди.

Журналистлар иштирокида матбуот анжумани ва пресс-тур ташкил этилди

Қурилиш соҳасида назорат ва мониторинг ишлари бино-иншоотларнинг сифатли ҳамда мустаҳкам бўлишини таъминлайди. Айниқса, жараён қурилиш майдонидан бошланса, самарадорлик янада ортади. Замонавий технологиялар эса иш сифати ва тезлигини оширади.



► Матбуот анжуманида жараёни.

ги, ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш йўналишларида амалга оширилган давлат назорати ишлари, соҳада олиб борилаётган ислохотлар ҳамда рақамлаштириш борасида жорий этилаётган замонавий тизимлар хусусида батафсил маълумот берилди. Назорат тадбирларининг самарадорлигини ошириш, давлат назоратида очиклик ва шаффофликни таъминлаш, рақамли технологиялардан кенг фойдаланиш ҳамда аҳолига кўрсатиллаётган хизматлар сифатини янада яхшилаш бўйича амалга оширилаётган ишлар ҳақида сўз юритилди.

– 2026 йилнинг 6 ойи мобайнида вилоят бўйича 2 минг 173 та қурилиш объектида давлат назорати амалга оширилди. – деди Хоразм вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси бошлиғи Шерзод Отаев. – Давлат назоратини рақамлаштириш борасида ҳам муҳим натижаларга эришилди. Хусусан, электрон назорат тизими орқали 7 минг 623 та электрон кўрсатманинг ижроси мунтазам кузатиб борилди. Қурилиш соҳасида назорат тизимида сунъий интеллект имкониятларидан фойдаланиш ҳам иш жараёнини анча соддалаштирмоқда. Бу тизим қоидабузарликларни жойида тезкор аниқлаш имконини бир неча баробарга оширди. Бугунги кунда юртимизда кузатилаётган аномал иссиқ ҳаво шароитида ҳам қурилиш майдонларида меҳнат хавфсизлиги талабларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, чанг тўзон кўтарилишининг олдини олиш мақсадида мойка ишлари мунтазам ташкил этилган, ишчилар учун хавфсиз меҳнат шароитларини яратиш, соғлигини муҳофаза қилиш ва техник хавфсизлик қоидаларига риоя этилишини таъминлаш бўйича зарур чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Шундан сўнг, журналистлар ҳудудий инспекцияда фаолият юритаётган “Онлайн кузатиш маркази” фаолияти билан яқиндан танишилди. Инспекция мутахассислари томонидан марказнинг техник имкониятлари ҳақида батафсил маълумот берилди.

Таъкидланганидек, мазкур марка эрқали инспекторларнинг “body camera”лари ёрдамида узатилаётган жонли тасвирлар ҳамда қурилиш объектиларига ўрнатилган видеокузатув камераларидан келаётган маълумотлар реал вақт режимида кузатиб борилади. Бу эса инспекторлар фаолиятини масофадан туриб мониторинг қилиш, қурилиш объектилариди жараёнларни доимий назорат қилиш, аниқланган камчиликларга тезкор муносабат билидириш ҳамда давлат назоратининг очиклиги ва шаффофлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этаётгани таъкидланди. Журналистлар “Онлайн кузатиш маркази”нинг фаолияти, рақамли назорат тизимининг имкониятлари ҳамда давлат назорати жараёнларига замонавий ахборот технологияларини кенг жорий этиш бўйича амалга оширилаётган ишлар билан яқиндан танишиб, ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олдилар.

Айниқса, қурилиш объектилари ҳамда Бошқарув сервис компаниялари фаолиятини ўрганиш мақсадида уюштирилган пресс-тур журналистларда катта қизиқиш уйғотди. Унда кўп қаватли уйларнинг қурилиши ва бу жараёнда ишлатиладиган материаллар сифати ҳақида мутахассислар ўз тажрибалари билан ўртоқлашди. Тадбир давомида ОАВ вакиллари Урганч тумани Тандирич маҳалласида қад ростлаган кўп қаватли уйларни сақлаш ва бошқариш назорат тизими, кулайликлари билан ҳам танишдилар.

Ичимлик суви сифати назорат инспекцияси нигоҳида

Қорақалпоғистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси томонидан бу борада тизимли ва кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Ҳудудларда аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш даражасини ошириш баробарида, мазкур ресурсларнинг сифат кўрсаткичларини доимий мониторинг қилиш йўлга қўйилган.

Омирбай ЕСБЕРГЕНОВ,
“O'zbekiston bunyodkori” мухбири.

Жорий йилнинг биринчи ярми давомида инспекция ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитаси билан ҳамкорликда ўтказилган назорат тадбирлари давомида Қорақалпоғистоннинг турли ҳудудларидаги истеъмолчиларга етказиб берилаётган ичимлик сувида жами 758 та лаборатория таҳлили ва намуна олинди.

Айтиш жоизки, лаборатория шароитида ичимлик суви таркибини аниқлаш жараёни ўта мураккаб ва масъулиятли бўлиб, унда сувнинг кимёвий, биологик ва бактериологик хусусиятлари миллий стандарт талаблари асосида чуқур ўрганилади. Ҳар бир томчи сув таркибидаги минераллар миқдори, турли хил аралашмалар ва инсон организм учун хавф туғдириши мумкин бўлган бактериялар мавжудлиги махсус ускуналар ёрдамида текширувдан ўтказилади.

2026 йилнинг биринчи ярмида ўтказилган 758 та таҳлил натижаларига кўра, аксарият ҳудудларда сув сифати метёрда эканлиги тасдиқланди. Бирок Қорақалпоғистон Республикаси Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитаси томонидан тақдим этилган яқуний ҳулосаларга асосан, Республика бўйича истеъмолчиларга етказиб берилаётган ичимлик суви сифатининг миллий стандарт талабларига мувофиқ келмаслиги билан боғлиқ 16 та салбий ҳолат ҳам аниқланди. Ушбу камчиликлар ва қоидабузарликларни зудлик билан бартараф этиш мақсадида “Қорақал-



поқ сув таъминоти” акциядорлик жамиятига тегишли тартибда қатъий кўрсатма ва тақдимномалар киритилди.

Ичимлик сувининг тозаллиги ва хавфсизлигига қўйиладиган талаблар ҳеч қачон муросани қабул қилмайди. Сабаби, озгина эътиборсизлик ҳам ийрик эпидемиологик муаммоларга ёки аҳоли ўртасида турли юкумли касалликлар тарқалишига олиб келиши мумкин. Шундай салбий ҳолатларнинг олдини олиш, сув тозалаш иншоотлари ва тармоқларидаги муаммоларни вақтида аниқлаш мақсадида инспекция ходимлари томонидан жойларда мунтазам равишда ўрганиш ва профилактика ишлари олиб боришмоқда.

– Амурдари туманида кенг қамровли ўрганишлар ўтказилиб, ҳудуддаги сув таъминоти объектиларининг техник ҳолати, сувнинг сифат кўрсаткичлари ва санитария қоидаларига риоя этилиши қатъий назоратдан ўтказилди. – деди Ичимлик сувини реализация қилиш ҳамда оқова сувларни чиқариб юбориш ва тозалаш хизматларидан фойдаланишнинг назорат қилиш шўъбаси бошлиғи Хайрат Тулекбаев. – Мақсадимиз ҳар бир хонадонга кириб бораётган сувнинг истеъмол учун тўлиқ яроқли ва хавфсиз бўлишини кафолатлаштириш. Бир қатор камчиликлар аниқланиб, тез фурсатларда бартараф этилиши бўйича тавсиялар берилди.

Истеъмолчиларга тоза ичимлик сувини узлуксиз ва сифатли етказиб бериш – жамият фаровонлиги ва миллат саломатлигининг мустаҳкам пойдевори ҳисобланади. Қорақалпоғистон Республикасида бу борада амалга оширилаётган назорат тадбирлари бир марталик эмас, балки аҳоли манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган узлуксиз жараёндир. Масъул идоралар томонидан ичимлик суви сифатини миллий стандартлар даражасида сақлаш, аниқланган камчиликларни кечиктирмасдан бартараф этиш ва лаборатория назоратини янада кучайтириш бўйича тизимли ишлар бундан кейин ҳам изчил давом эттирилади.

Қурилиш сифати – депутатлар назоратида

Бухоро вилоятининг Когон туманида ижтимоий аҳамиятга эга қурилиш объектиларида олиб борилаётган ишлар сифати халқ депутатлари туман Кенгаши депутатлари томонидан жойига чиққан ҳолда ўрганилди. Назорат тадбирларида халқ депутатлари Когон туман Кенгаши депутатлари С. Шарипова, И. Ҳамидова ҳамда туман Кенгаши мутахассислари иштирок этди.

Алишер БОЗОРЛОВ,
Халқ депутатлари Когон тумани кенгаши котибати мудири.

Дастлаб, тумандаги 17-сонли умумтаълим мактаби филиалида амалга оширилаётган қурилиш ишлари билан танишилди. Қурилиш майдонида пудратчи ташкилот вакиллари, техник назорат мутахассислари иштирокида қурилиш-монтаж ишларининг бориши, лойиха-смета ҳужжатларига риоя қилиниши, қурилиш материаллари сифати ҳамда технология талабларининг бажарилиши муҳокама қилинди. Шунингдек, пойдевор, том конструкциялари, ички пардозлаш ишлари ва муҳандислик-ком-

муникация тармоқларининг ҳолати юзасидан масъулларнинг ахборотлари тингланди.

Назорат тадбирлари Когон маҳалласида барпо этилаётган янги тиббиёт пунктида ҳам давом этди. Объектда қурилиш суруати, бажарилган ишлар ҳажми, материаллар сифати, меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги талабларига амал қилиниши ўрганилди. Масъулларга қурилиш ишларини белгиланган муддатларда ва юқори сифат билан якунлаш юзасидан тавсиялар берилди.

Шунингдек, Беклар маҳалласида ички ариқларни бетонлаштириш ишлари депутатлик назоратидан ўтказилди. Ўрганиш давомида технология жараёнларга риоя қилиниши, бетон қоринчаларининг мустаҳкамлиги ҳамда бажарилган ишлар лойиха талабларига мослиги қўриб чиқилди. Аниқланган айрим камчиликлар бўйича масъулларга тегишли кўрсатмалар берилди. Сўнгра, ушбу маҳаллада барпо этилаётган умумтаълим мактабида ҳам бўлиб, қурилиш-монтаж ишларини кўздан кечирди. Учрашувда таълим муассасасини ўз вақтида фойдаланишга топшириш, қурилиш сифатини янада ошириш ва лойиха талабларига қатъий риоя этиш масалалари муҳокама қилинди.

Таъкидланганидек, ижтимоий объектиларнинг сифатли барпо этилиши аҳолига муносиб шароит яратиш, давлат маблағларидан самарали фойдаланиш ҳамда ҳудудларнинг барқарор ривожланишида муҳим аҳамият касб этади. Шу боис қурилиш соҳасида очиклик ва шаффофликни таъминлаш, жамоатчилик ҳамда депутатлик назоратини кучайтириш устувор вазифалардан бири бўлиб қолмоқда.

Ноқонуний ҳолатларга чек қўйилмоқда

Мамлакатимизда газ ва электр энергиясини иқтисод қилиш, улардан ноқонуний фойдаланишга қарши кураш бўйича қатор тадбирлар амалга оширилмоқда. Шунга қарамай, жойларда аҳоли томонидан ушбу қондарга риоя қилинмайдиган ҳолатлар учраб турибди.

Дилшод САЙПИЕВ,
“Ўзэнергоспекция”нинг Самарқанд вилояти ҳудудий бошқармаси бошлиғи.

Жумладан, Самарқанд вилоятида табиий газдан ноқонуний фойдаланиш билан боғлиқ

51 та ҳолатда давлат манфаатларига 16,2 миллиард сўмдан зиёд зарар етказилганлиги маълум бўлди. Электр энергияси бўйича эса 98 ҳолатда 32,3 миллиард сўмдан кўп миқдордаги зарар аниқланганига нима дейсиз?

Масалан, мутахассисларимиз Самарқанд шаҳрининг Хўжақишлоқ маҳалласидаги хонадонлардан биридаги новвойхонага газ ҳисоблагични четлаб ўтган ҳолда яширин тармоқ орқали газдан фойдаланган фуқароларни фoш этилди. Дастлабки ҳисоб-китобга қараганда, ховли эгалари нон ёпиш учун давлат манфаатларига 4 миллиард сўмдан зиёд зиён етказгани маълум бўлди. Шунингдек, Қир маҳалласидаги фуқаро эса ноқонуний тортилган газ трубаси орқали 577 миллион сўмга яқин ёқилгини сарфлаганини аниқланди.

Уларга нисбатан далолатномалар тузилиб, тегишли назорат органларига тақдимнома юборилди.



▼ Янги кутубхонадаги қулайликлар.

Янги зиё маскани фойдаланишга топширилди

➔ **1** Мазкур ҳужжатга мувофиқ, ахборот-кутубхона муассасаларини рақамлаштириш, миллий электрон ресурсларни кенгайтириш, аҳолига замонавий ахборот-кутубхона хизматларини тақдим этиш, мутлоаа маданиятини юксалтириш ҳамда кутубхоналарнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш бўйича тизимли вазифалар белгилаб берилди.

Зоминда фойдаланишга топширилган “Шоҳруҳ кутубхонаси” мазкур қарорда белгиланган вазифаларнинг амалий ифодаси сифатида эътиборга лойиқ. Замонавий инфратузилма, рақамли технологиялар ва кенг ахборот имкониятларини ўзида мужассам этган ушбу маскан китобхонларга нафақат анъанавий, балки электрон хизматларни ҳам тақдим этади.

Тадбирда сўз олган сенатор Қудратилла Рафиковнинг таъкидлашича, мазкур кутубхона бундан 10 йил муқаддам мамлакатимиз Президентни Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан барпо этила бошланган эзгу ғоянинг мантиқий давоми ҳисобланади.

– Мен Зоминда туғилмаганман. Бироқ меҳнат фаолиятимнинг энг сермазмун йиллари шу замин билан боғлиқ. Шу боис ўзимни зоминлик деб билишдан ҳамиша фахрланаман. Бугунги кунда ушбу кутубхонанинг халқ хизматига топширилиши мен учун ҳам алоҳида қувонч, – деди Қудратилла Рафиков.

Шундан сўнг рамзий алвон боғич кесилиб, иштирокчилар кутубхонада яратилган шарт-шароитлар билан танишди.

Муассасанинг яна бир муҳим жиҳати – унинг Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасининг электрон фонди билан интеграция қилинганидир. Бу эса китобхонларга 200 мингга яқин бадийий ва илмий адабиётдан масофадан туриб фойдаланиш имконини яратади.

Шу билан бирга, жорий этилган илғор ахборот технологиялари орқали кутубхона ресурслардан электрон портал воситасида дунёнинг исталган нуқтасидан туриб фойдаланиш мумкин. Маскан ҳудудида китоб дўкони, “Book safe” ва полиграфия хизмати ҳам йўлга қўйилгани эса китобхонларга қўшимча қулайлик яратади, деб хабар қилади ЎзА муҳбири Абдужалоил Қаюмов.

Энг муҳими, “Шоҳруҳ кутубхонаси” фақат китоб сақланадиган муассаса эмас, балки ёшлар тафаккурини юксалтириш, интеллектуал муҳитни мустаҳкамлаш, миллий маънавият ва маърифатни тарғиб этишга хизмат қиладиган замонавий билим марказига айланмоқда. Бу каби ташаббуслар мамлакатимизда китобхонлик ҳаракатини янада кенгайтириш, аҳолининг маънавий камолотини таъминлаш ва Янги Ўзбекистоннинг билимли, юксак салоҳиятли инсон капиталини шакллантириш йўлида муҳим аҳамият касб этади.

Пансада маҳалласи хунармандлар шаҳарчасига айланмоқда

Чуст туманидаги Пансада маҳалласи ўзининг бой тарихий мероси, бетақроп маданияти ва замонавий туризм инфратузилмаси билан сайёҳларни ўзига жалб этувчи масканлардан бирига айланмоқда. Бугунги кунда маҳаллада 1280 та хонадонда 5740 нафар аҳоли истиқомат қилади. Маҳалла 160 гектар майдонда жойлашган бўлиб, Садача, Бофанда, Камрсада, Шаҳар Бирлик, Мустақиллик каби йирик маҳаллалар билан чегарадош ҳисобланди.

Отабек ҚОБИЛОВ
Чуст туманидаги Сероб маҳалласи
Ёшлар етакчиси.

Маҳалла раисининг таъкидлашича, бу ерда аҳоли учун қулай ва хавфсиз муҳит яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Давлатимиз раҳбари томонидан маҳалла еттилиги тизими жорий қилингани тўғйили аҳоли мурожатларининг аксарияти маҳаллада ҳал бўлиб, фуқароларнинг сарсонгарчилигига чек қўйилмоқда. Тошкент шаҳар Олмазор тажрибаси асосида Пансада маҳалласида ҳам хунармандлар шаҳарчасини ташкил этиш, ички инфратузилмани янада ривожлантириш, янги яшил ҳудудлар барпо этиш, замонавий спорт майдончалари қуриш, ичимлик суви ва электр таъминотини яхшилаш ҳамда рақамли хизматлардан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш режалаштирилган.

Бугун дунё шиддат билан ўзгараётган бир даврда миллий хунармандчиликни ривожлантириш ҳар қачонгидан ҳам муҳим вазифага айланди. Чунки қўл меҳнати билан яратилган ҳар бир буюмда устанинг қалби, диди ва сабр-тоқати мукжасам бўлади. Машина минглаб бир хил маҳсулот ишлаб чиқариши мумкин, аммо мохир хунарманднинг қўлидан чиққан асар бетақроп-



лиги билан қадрланади. “Хунари бор хор бўлмас”, дейди доно халқимиз. Бу ҳикмат замирида асрлар давомида сайқалланган ҳаётий ҳақиқат мужассам. Зеро хунар инсонни нафақат ризқ-руз билан таъминлайди, балки халқнинг маданияти, тарихи ва миллий қадриятларини келажак авлодга етказадиган бебаҳо мерос ҳамдир.

Бугунги кунда сайёҳларнинг миллий хунармандчилик маҳсулотларига қизиқиши тобора ортмоқда. Чет эллик меҳмонлар бозорлардан оддий сувенир эмас, балки халқимизнинг тарихи ва руҳини ўзида акс эттирган қўлда ишланган буюмларни харид қилишни афзал қўради. Чунки бундай маҳсулотлар халқнинг ўзига хослигини намоеён этади. Демак, хунармандчилик нафақат маданий меросни асрайди, балки туризм ривожига, экспорт салоҳиятининг ошишига ва иқтисодий барқарорликка ҳам хизмат қилади.

Яқинда бир хунарманд устанинг шундай сўзлари эътиборини тортиди: “Мен ясаган ҳар бир буюм – меннинг исимим, обрўйим ва виждонимдир”. Бу оддий жумла ортида катта маъно яширинган. Чунки чинакам хунарманд маҳсулот яратмайди, у ишонч яратади. Шу боис халқ орасида “Устанинг қўли олтин”, деган ибора бежиз айтилмаган. Бугун айрим ёшлар фақат осон даромад топиш илинжида касб танлашга уринмоқда. Ваҳоланки, ҳар қандай муваффақиятнинг пойдевори меҳнат ва маҳоратдир. Хунар эса инсонни сабрий, маъсулиятли, изланувчан ва мустақил бўлишга ўргатади. Шунинг учун ҳам ота-боболаримиз фарзандига аввало, касб ва хунар ўргатишни энг катта бойлик деб билган.

Наманганлик Баҳромжон ва Толибжон ака Юлдошевлар темирчи усталарнинг 6-авлод вакиллари:

– Темирчилик – куч билан бирга ақл, сабр ва нозик дидни ҳам талаб қиладиган хунар. Темир-ни оловда қиздириб, болға билан шакл берамиз.

Аслида, инсон ҳам меҳнат ва сабр билан камол топади. Темирчилик биз учун оддий касб эмас, бу аждоқлардан мерос бўлиб келаётган санъатдир. Ҳар бир буюмга қалбимизни қўшиб ишлаймиз. Темирга меҳр берсангиз, у ҳам сизга гўзал санъат асари бўлиб қайтади. Ҳар бир халқнинг қадриятлари унинг миллий хунарлари билан чамбарчас боғлиқ. Асрлар давомида авлоддан авлодга ўтиб келаётган темирчилик касби халқимизнинг энг қадимий ва эъзозли хунарларидан биридир. Биз эса темирчилик касб сирларини асраб-авайлаб, замонавий талаблар билан уйғунлаштириб келмоқдамиз. 6-авлод вакили бўлиш катта шараф билан бирга улкан масъулият ҳамдир. Чунки бунда нафақат хунарни давом эттирамиз, балки аждоқларимиздан қолган бой меросни келажак авлодга етказишдек муҳим вазифани ҳам бажариб келмоқдамиз. Бугунги кунда миллий хунармандчиликка бўлган қизиқиш тобора ортиб бормоқда. Бу эса темирчи усталар меҳнатининг қадрини янада оширмоқда. Уларнинг қўллари билан яратилган буюмлар нафақат амалий аҳамиятга эга, балки миллий маданиятимиз ва тарихимизнинг ёрқин намунаси сифатида ҳам қадрланади. Бугун ёшларнинг хунарга қизиқаётгани бизни қувонтиради.

Бугунги кунда ушбу бой меросни асраб-авайлаш, ривожлантириш ҳамда ёш авлодга етказиш мақсадида Пансада маҳалласи ҳудудини Миллий хунармандчилик ва туристик ҳудудга айлантириш лойиҳасини амалга ошириш юзасидан кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Бу – халқ амалий санъати усталарини бир масканда жамлайдиган, уларнинг фаолияти учун замонавий ва қулай шароитлар яратадиган мажмуа бўлади. Маҳаллада темирчилар, нонвойлар, мисгарлар ва бошқа хунармандлар учун махсус устаконалар ташкил этилади. Шунингдек, тайёр маҳсулотларни намойиш этиш ва сотиш учун кўргазма ҳамда савдо майдонлари барпо этилади. Мазкур лойиҳа нафақат хунармандларни қўллаб-қувватлаш, балки янги иш ўринларини яратиш, ички ва ташқи туризмни ривожлантиришга ҳам хизмат қилади.

Маҳаллага ташриф буюрган меҳмонлар миллий хунармандчилик маҳсулотлари билан танишиш, уларнинг яратилиш жараёнини кузатиш ҳамда усталардан маҳорат сабоқларини олиш имкониятига эга бўладилар. Лойиҳада асосан, ёшларни касб-хунарга ўргатишга алоҳида эътибор қаратилади. Устоз-шогирд анъанаси асосида ташкил этиладиган ўқув машғулотлари орқали ёшлар қадимий касбларнинг сир-асрорларини ўрганиб, келажакда малакали мутахассис бўлиб етишадилар. Бу эса миллий хунармандчиликнинг узлуқсиз давом этишига хизмат қилади. Бундан ташқари, маҳаллада турли кўргазмалар, хунармандчилик фестиваллари, ижодий учрашувлар ва маданий тадбирлар ўтказилиш режалаштирилган. Бундай тадбирлар миллий қадриятларни кенг тарғиб этиш, хунармандлар тажрибасини оммалаштириш ва уларнинг маҳсулотларини халқаро бозорларга олиб чиқишда муҳим ўрин тутadi.

“Respublika mulk markazi” МЧЖ “Poytaxt filiali”

бошланғич баҳоси ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдога таклиф этади!

Савдога “Lombard Tashkredit” МЧЖнинг 2026 йил 16 июлдаги 75-сонли ариза буюртманомаси ҳамда Тошкент шаҳар Яшнобод туманидаги ҳусусий нота-риал идоранинг 2025 йил 7 июль ва 2026 йил 2 июлдаги ижро хатларига асосан ундирувга қаратилган, Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Авнасозлар 1, 115-уй манзилида сақланаётган қуйидаги заргарлик буюмлари аукцион савдога қўйилмоқда:

№	Гаров патта рақами	Заргарлик буюмлар номи	Бошланғич баҳоси, сўмда
1.	20690	Кольцо 1 шт., о.в. 3,59 гр., ч.в. 3,00 гр., пр. 585	4 601 250,00
2.	4978	Кольцо 1 шт. с дефектом, о.в. 4,34 гр., ч.в. 4,34 гр., пр. 585	4 132 813,06
3.	5162	Кольцо 1 шт., серъги 3 пары, о.в. 12,00 гр., ч.в. 11,00 гр., пр. 585	10 571 978,17
4.	5321	Серъги 2 пары, кольцо с дефектом 1 шт., о.в. 9,84 гр., ч.в. 8,00 гр., пр. 585	7 629 052,90
5.	5747	Цепь 1 шт., браслет 1 шт., о.в. 10,41 гр., ч.в. 10,41 гр., пр. 585	7 119 680,00
6.	6301	Кольцо и серъги 1 комплект с дефектом, кольца 2 шт., цепь 1 шт., о.в. 16,16 гр., ч.в. 14,70 гр., пр. 585	16 082 420,00
7.	6418	Кольцо 2 шт., о.в. 4,72 гр., ч.в. 4,70 гр., пр. 585	4 637 900,32
8.	6726	Кольцо и серъги 1 комплект, о.в. 4,38 гр., ч.в. 4,38 гр., пр. 585	4 316 631,75
9.	6737	Кольцо 1 шт., о.в. 1,62 гр., ч.в. 1,40 гр., пр. 585	1 457 276,60
10.	6919	Серъга 1 шт. без пары, серъги 1 пара, кольцо 1 шт., о.в. 6,77 гр., ч.в. 6,00 гр., пр. 585	6 054 957,59
11.	7022	Кольцо и серъги 1 комп., о.в. 8,41 гр., ч.в. 7,50 гр., пр. 585	4 887 299,47
12.	7055	Браслет 1 шт., о.в. 4,44 гр., ч.в. 4,44 гр., пр. 585	4 657 704,00
13.	7188	Цепь 1 шт., кулон 1 шт., о.в. 7,12 гр., ч.в. 7,12 гр., пр. 585	7 788 300,00
14.	7464	Серъги 1 пара, о.в. 9,35 гр., ч.в. 9,35 гр., пр. 585	10 212 300,00
15.	7537	Кольцо 1 шт., о.в. 6,99 гр., ч.в. 6,99 гр., пр. 585	7 636 800,00
16.	7560	Серъги 1 пара, кулон 1 шт., о.в. 6,90 гр., ч.в. 6,80 гр., пр. 585	6 401 157,21
17.	7586	Кольца 3 шт., кольцо и серъги 1 комплект, о.в. 18,42 гр., ч.в. 17,90 гр., пр. 585	13 545 300,00
18.	7688	Браслет 1 шт. с дефектом, кольцо 1 шт. с дефектом, о.в. 5,04 гр., ч.в. 4,70 гр., пр. 585	4 510 960,39
19.	7801	Кольцо и серъги 1 комплект, о.в. 5,55 гр., ч.в. 5,55 гр., пр. 585	6 121 800,00
20.	7885	Серъги 1 пара, о.в. 2,83 гр., ч.в. 2,83 гр., пр. 750, серъги 1 пара, кольцо 2 шт., о.в. 9,81 гр., ч.в. 9,81 гр., пр. 585	13 999 800,00
21.	7950	Кольцо 1 шт., о.в. 2,16 гр., ч.в. 2,16 гр., пр. 585	2 197 950,00
22.	7977	Цепь 1 шт., о.в. 6,23 гр., ч.в. 6,23 гр., пр. 585	5 667 300,00
23.	8035	Кольцо 2 шт., серъги 1 пара с дефектом, о.в. 8,59 гр., ч.в. 7,00 гр., пр. 585	7 636 800,00
24.	8051	Серъги 1 пара, о.в. 3,24 гр., ч.в. 2,80 гр., пр. 585	2 788 800,00
25.	8074	Кольцо 1 шт., подвеска 1 шт., цепь 1 шт., о.в. 24,64 гр., ч.в. 24,00 гр., пр. 585	25 816 800,00
26.	8156	Кольцо 1 шт., о.в. 3,66 гр., ч.в. 3,50 гр., пр. 585	3 849 300,00
27.	8183	Кольцо 1 шт., о.в. 3,78 гр., ч.в. 3,78 гр., пр. 585	4 152 300,00
28.	8329	Браслет 1 шт с дефектом, о.в. 6,57 гр., ч.в. 4,20 гр., пр. 585	4 606 800,00

№	Гаров патта рақами	Заргарлик буюмлар номи	Бошланғич баҳоси, сўмда
29.	8472	Кольцо 1 шт., серъги 1 пара, о.в. 4,23 гр., ч.в. 4,10 гр., пр. 585	4 455 300,00
30.	8635	Цепь 1 шт., кулон 1 шт., о.в. 11,81 гр., ч.в. 11,81 гр., пр. 585	12 939 300,00
31.	8647	Серъги 1 пара, о.в. 4,05 гр., ч.в. 2,45 гр., пр. 500/800, браслет 1 шт. с дефектом, кольца 2 шт., кулон 1 шт., цепь 1 шт., о.в. 18,02 гр., ч.в. 17,95 гр., пр. 585	22 256 550,00
32.	8711	Кольцо 1 шт., браслет 2 шт. с дефектом, о.в. 26,30 гр., ч.в. 26,30 гр., пр. 585	26 271 300,00
33.	8764	Серъги 1 пара, о.в. 3,16 гр., ч.в. 3,16 гр., пр. 585	3 091 800,00
34.	8953	Кольцо 1 шт., о.в. 3,63 гр., ч.в. 3,63 гр., пр. 585	3 376 910,38
35.	8954	Серъги 1 пара, о.в. 4,07 гр., ч.в. 4,07 гр., пр. 585	3 244 305,96
36.	8956	Цепь 1 шт., кольца 2 шт., о.в. 12,65 гр., ч.в. 12,40 гр., пр. 585	10 761 979,17
37.	8991	Серъги 1 пара, о.в. 4,01 гр., ч.в. 3,60 гр., пр. 585	3 788 094,00
38.	9063	Серъги 1 пара с дефектом, кольцо 1 шт., о.в. 6,15 гр., ч.в. 6,15 гр., пр. 585	4 255 824,29
39.	9110	Кольцо 1 шт. с дефектом, серъги 1 пара, о.в. 5,38 гр., ч.в. 4,70 гр., пр. 585	5 364 300,00
40.	9122	Цепь 1 шт. с дефектом, кольцо 2 шт., о.в. 23,68 гр., ч.в. 22,70 гр., пр. 585	25 816 800,00
41.	9130	Цепь 1 шт., кольцо 3 шт., серъги 1 пара, серъга 1 без пары, о.в. 15,02 гр., ч.в. 14,30 гр., пр. 585	15 211 800,00
42.	9139	Браслет 2 шт., о.в. 11,62 гр., ч.в. 11,40 гр., пр. 585	11 878 800,00
43.	9166	Серъги 1 пара, цепь 1 шт., о.в. 19,43 гр., ч.в. 19,00 гр., пр. 585	19 796 406,14
44.	9285	Серъги 2 пары, кольцо 1 шт., о.в. 8,38 гр., ч.в. 7,80 гр., пр. 585	8 091 079,26
45.	9358	Кольца 2 шт., о.в. 3,70 гр., ч.в. 3,70 гр., пр. 585	4 228 050,00
46.	9375	Серъги 1 пара, о.в. 4,04 гр., ч.в. 2,40 гр., пр. 585/875	2 182 800,00
47.	9447	Кольцо 1 шт., о.в. 2,17 гр., ч.в. 2,17 гр., пр. 585	2 111 372,80
48.	9450	Серъги 1 пара с дефектом, серъга 1 шт. без пары, о.в. 4,80 гр., ч.в. 4,00 гр., пр. 585	4 606 800,00
49.	9469	Кольцо 1 шт., о.в. 1,23 гр., ч.в. 1,23 гр., пр. 585	1 425 300,00
50.	9794	Браслет 1 шт., о.в. 10,04 гр., ч.в. 10,04 гр., пр. 585	10 727 293,95
51.	9806	Кольцо 1 шт., о.в. 2,86 гр., ч.в. 2,86 гр., пр. 585	3 319 050,00
52.	9917	Кольцо 1 шт., о.в. 2,06 гр., ч.в. 2,06 гр., пр. 585	2 334 300,00
53.	10082	Кольцо 1 шт., о.в. 11,90 гр., ч.в. 11,50 гр., пр. 585	12 089 204,72
54.	10089	Кольцо 2 шт. с дефектом, о.в. 3,22 гр., ч.в. 3,00 гр., пр. 585	3 394 800,00
55.	10100	Серъги 1 пара, кольцо 1 шт., цепь 1 шт., кулон 1 шт., о.в. 19,02 гр., ч.в. 15,80 гр., пр. 585	17 408 550,00
56.	10146	Кольцо 1 шт., о.в. 3,84 гр., ч.в. 3,40 гр., пр. 585	2 713 050,00
57.	10219	Серъги 1 пара, о.в. 7,09 гр., ч.в. 5,00 гр., пр. 585	4 000 800,00
58.	10255	Серъги 1 пара с дефектом, о.в. 4,58 гр., ч.в. 1,60 гр., пр. 585	1 879 800,00
59.	10288	Цепь 1 шт., кулон 1 шт., серъги 2 пары с дефектом, серъги 2 шт. без пары с дефектом, кольца 2 шт., о.в. 19,20 гр., ч.в. 16,89 гр., пр. 585	17 938 800,00

№	Гаров патта рақами	Заргарлик буюмлар номи	Бошланғич баҳоси, сўмда
60.	10368	Цепь 1 шт. с дефектом, о.в. 10,33 гр., ч.в. 10,33 гр., пр. 585	11 424 300,00
61.	10378	Кольцо 1 шт., о.в. 3,86 гр., ч.в. 3,70 гр., пр. 585	4 152 300,00
62.	10402	Кольца 2 шт., о.в. 2,89 гр., ч.в. 2,69 гр., пр. 585	3 016 050,00
63.	10419	Цепь 1 шт. с дефектом, кольцо 1 шт., серъги 1 пара с дефектом, о.в. 9,57 гр., ч.в. 8,50 гр., пр. 585	9 076 050,00
64.	10536	Цепь 1 шт., о.в. 11,09 гр., ч.в. 11,09 гр., пр. 585	10 666 800,00
65.	10618	Кольцо 1 шт. с дефектом, серъги 1 пара, о.в. 8,09 гр., ч.в. 6,90 гр., пр. 585	6 273 300,00
66.	10690	Кольцо 1 шт. с дефектом, о.в. 1,24 гр., ч.в. 1,24 гр., пр. 585	1 425 300,00
67.	10718	Серъги 1 пара, цепь 1 шт., о.в. 12,90 гр., ч.в. 12,90 гр., пр. 585	14 075 550,00
68.	10737	Кольцо 1 шт., о.в. 2,82 гр., ч.в. 2,70 гр., пр. 585	1 879 800,00
69.	10749	Кольцо 1 шт., о.в. 10,71 гр., ч.в. 7,70 гр., пр. 585	8 773 050,00
70.	10785	Кольцо 1 шт. с дефектом, о.в. 1,78 гр., ч.в. 1,78 гр., пр. 585	2 031 300,00
71.	10942	Браслет 1 шт., кольцо 1 шт., серъги 1 пара, о.в. 12,53 гр., ч.в. 10,70 гр., пр. 585	12 181 800,00
72.	10962	Серъги 1 пара, кольцо 1 шт., о.в. 6,27 гр., ч.в. 4,30 гр., пр. 585	3 964 137,00
73.	11083	Кольцо 1 шт., о.в. 5,81 гр., ч.в. 5,81 гр., пр. 585	5 364 300,00
74.	11094	Серъги 1 пара, о.в. 3,42 гр., ч.в. 3,00 гр., пр. 585	3 394 800,00
75.	11586	Кольцо 1 шт., о.в. 4,70 гр., ч.в. 3,50 гр., пр. 585	4 000 800,00
76.	11778	Браслет 1 шт., о.в. 7,24 гр., ч.в. 7,00 гр., пр. 585	6 576 300,00
77.	11798	Браслет 1 шт., о.в. 13,05 гр., ч.в. 13,05 гр., пр. 585	14 302 800,00
78.	11835	Браслет 2 шт., серъги 1 пара, кольцо 3 шт. о.в. 28,16 гр., ч.в. 23,00 гр., пр. 585	26 044 050,00
79.	11891	Кольцо 2 шт. с дефектом, о.в. 6,39 гр., ч.в. 6,00 гр., пр. 585	6 879 300,00
80.	12302	Серъги 1 пара, кольцо 1 шт. с дефектом, о.в. 4,75 гр., ч.в. 4,50 гр., пр. 585	5 137 050,00
81.	12400	Серъги 1 пара, о.в. 6,28 гр., ч.в. 6,20 гр., пр. 585	7 030 800,00
		Жами бошланғич баҳоси	641 711 889,13

Аукцион савдолар **2026 йил 20 август** куни соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади. **Аризаларни қабул қилишнинг охириг муддати:** 2026 йил 18 август куни соат 18.00 гача. Аризалар расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади

